# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 19 июль, № 139 (6574) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

**ФАХР**

Бундан 25 — 30 йил аввал Ўзбекистон ёшлари ўз истеъдод ва салоҳиятини дунё узра намоён қилиб, барчани лол қолдиради, ҳайрат ҳамда ҳавасини келтиради, деса, биров ишонмасди. Чунки у даврларда мустабид тузум юритган сиёсат шундай нохолис, адолатсиз эдики, бизга бамисоли қандайдир “иккинчи сорт одамлар” сифатида қаралиб, иқтидорларни юзага чиқаришга, ўзини кўрсатишига йўл қўйилмасди. Ваҳолонки, бу табаррук заминдан дунё цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, оламшумул кашфиётлари билан илму фан тараққиётининг тамал тошини қўйган қанчадан-қанча алломалар, олиму фузалолар етишиб чиққан.

## Мустақил юрт эгалари

Томирларида ана шундай буюк зотларнинг қони оқиб турган авлод аждодларига муносиб бўлишга интилиши табиий. Бу интилиш эса мустақиллик туфайлигина қўллаб-қувватланди. Ҳақиқат қарор топди. Жаҳон аҳли Ўзбекистонни билди, бу гўзал диёр фарзандлари қобилиятига тан берди.

Истиқлол ҳавосидан тўйинган бугунги ўзбек йигит-қизларининг мақсадлари муштарак — улар Ватан тақдирига ўзини дахлдор ва масъул, деб ҳисоблайди. Энг муҳими, ҳар бири “Мен буюк юрт фарзандиман”, деган юксак ғурур, қатъий ишончни қалбига жо этган. Бинобарин, мустақиллик йилларида навқирон авлод орзу-истакларини рўёбга чиқаришга давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилиб, бу борада нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллиги ҳам кучайтирилди. Ёшларнинг ташаббусига кўра ташкил этилган ҳамда айни чоғда юртимиздаги энг йирик нодавлат нотижорат ташкилотларидан бирига айланган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ана шулардан биридир.

Бугун Ҳаракат ўз атрофида олти миллион нафардан ортиқ ўғил-қизни бирлаштирган. Ташкилот саъй-ҳаракати билан ҳар йили республика бўйлаб юзлаб лойиҳалар амалга ошириб келинаяпти. Уларнинг умумий вазифаси бир — ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш. Зотан, ижтимоий фаол инсонгина мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар, янгиланишу ўзгаришларга бефарқ бўлмайди. Мазкур жараёнда ўзининг ҳам иштирокини муҳим, деб билади. Айнан шу ёндашув асосида эртанинг том маънода ҳал қилувчи кучига айланиб боради. Қолаверса, маънавияти юксак, қалби уйғоқ фарзандларнинг келажагига ташқаридан уюштирилган ҳеч бир мафкуравий таҳдид рахна сололмаслиги аниқ.

Шулардан келиб чиқиб, Президентимиз ташаббуси билан бундан беш йил муқаддам “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати янги лойиҳа — “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остидаги ёшлар фестивалларини бошлаган эди. У қисқа фурсатда навқирон авлоднинг фикри ҳамда кайфиятини ифодалайдиган, уларни эзгу мақсад йўлида бирлаштирадиган катта байрамга айланди.

Ёшлар фестивалларини ўтказиш масаласи ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинадиган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури”да алоҳида банд сифатида киритилиши унинг мавқеини, аҳамиятини юксалтирди. Жорий йилнинг мартидан июнь ойига қадар барча ҳудудда зўр кўтаринкилик билан ташкил қилинган фестиваллар мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланди.

(Давоми 4-бетда).

Қурилиш материаллари саноати:

## ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР, САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР






*Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бутун дунёда тан олинган тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида ишлаб чиқилган қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар бунёд этиш дастури ижросини таъминлаш, шунингдек, энергетика, металлургия, машинасозлик, кимё саноати объектлари, темир йўл ва автомобиль йўлларини барпо қилиш, уларнинг инфратузилмасини яратишда қурилиш материаллари саноатининг ўзига хос ўрни бор. Зеро, у иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан ҳисобланиб, мазкур жабҳада эришилаётган ютуқлар Ватанимиз равнақи, халқимиз турмуш тарзининг яхшиланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.*

### Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши

1991 йилда “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик компанияси корхоналарида атиги 48 турдаги 1,28 млрд. сўмлик (36,7 млн. долларлик) маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, сўнгги 25 йил ичида уларнинг тури янгиланиб, замон талаблари даражасига етказилди. Бундан ташқари, қўшимча 70 турдаги замонавий, энергия тежовчи, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп қурилиш материаллари тайёрлаш ўзлаштирилиб, 2015 йилнинг ўзида 2,2 трлн. сўмлик (760,1 млн. долларлик) маҳсулот буюртмачиларга тортиқ қилинди. Яъни қурилиш материаллари саноатида мустақиллик йиллари даврида ишлаб чиқариш ҳажми 20,7 баробар ўсди.

Бугунги кунда республикамизда 6000 дан зиёд қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Йилига 10 млн. квадрат метр ойна тайёрловчи “Кварц” АЖ, 60 минг тонна қуруқ қурилиш қоришмалари ишлаб чиқарувчи “Бухорогипс” қўшма корхонаси, 20 млн. кв. м. гипсокартон тайёрлаш қувватига эга “Кнауф Гипс Бухоро” ХК, 3,5 млн. кв. м сопол плиткалари ишлаб чиқарувчи “Moderna Ceramic Industries Fergana” ҚК, 75 минг дона санитар-техника буюмлари тайёрлаш қувватига эга “Grand Art Ceramics” ҚК шулар жумласидандир.

(Давоми 3-бетда).

## Ўзимизники, бизники — барчамизники!

Бугунги шиддаткор замонда илм-фан ривожланиб, техника оламида мислсиз ўзгаришлар кузатилаяпти. Шундай бўлса-да, автомобиль дунёнинг камсонли давлатларида ишлаб чиқарилмоқда. Бундан 20 йил муқаддам Президентимиз ташаббуси билан Асака шаҳрида биринчи ўзбек автомобиль заводи ишга туширилиб, Ўзбекистон ана шу мамлакатлар сафидан жой олгани халқимиз асрий орзу-интилишлари рўёби, Истиқлол берган туҳфалардан бири бўлди.

**ДИЛ СЎЗИ**

Ушбу замонавий ишлаб чиқариш субъекти ўтган қисқа даврда юртимиз ифтихори, саноатимизнинг етакчи корхонасига айланди. Чунки 1996 йилда бу ерда уч русумдаги транспорт воситасини тайёрлаш йўлга қўйилган бўлса, ҳозирги кунга келиб, “GM Uzbekistan”да ишлаб чиқарилаётган машиналар модели ўн биттага етказилди. Натижада мамлакатимизда ўзбек автомобиллари кириб бормаган хонадон, маҳалла, қишлоқ умуман қолмади. Улар халқимизнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилмоқда.

Автоуловларимизга ташқи бозорда ҳам талаб ортиб бораётгани, айниқса, қувонарлидир. Бири-биридан кўркам, халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган транспорт воситаларимиз МДҲ давлатларидан ташқари, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатларида ҳам харидоргир.

Айтиш жоизки, автомобилсозлигимизнинг мазкур корхонаси нафақат саноатнинг жадал ривожланиши, балки аҳоли бандлиги таъминланиши, турмуш фаровонлиги ошишида ҳам муҳим аҳамият касб этаяпти. Сабаби, кейинги йилларда заводга бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, лок-бўёқ ва бошқа маҳсулотлар етказиб берувчи янги-янги корхоналар ишга туширилди. Масалан, бу йўналишда 1995 — 1996 йилларда “ЎзДонгЖу”, “ЎзДонгВонКо”, “ЎзТонгХонг”, “ЎзСэМюнг” каби 10 га яқин қўшма корхоналар ташкил этилган бўлса, бугунги кунда “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси таркибидаги 35 дан ортиқ йирик қўшма ва маҳаллий ишлаб чиқариш субъектлари, шунингдек, 300 дан зиёд хусусий корхоналар томонидан зарур материаллар етказиб берилмоқда.

Мамлакатимиз автомобилсозлари мустақиллигимизнинг қутлуғ 25 йиллик тўйига муносиб туҳфа ҳозирладилар. Яъни “Ravon” бренди остида “Nexia” автомобилининг янги авлоди ишлаб чиқарила бошланди. Биз “Евро-5” талабларига мос бўлган ушбу автоуловлар учун бутловчи қисмлар етказиб бераётганимиздан беҳад мамнунмиз.

Бугун шаҳару қишлоқларимиз кўчаларини Асакада ишлаб чиқарилган замонавий машиналар тўлдириб юрибди. Уларни бошқараётган юртдошларимизнинг қалби ғурур ва ифтихор туйғуларига лиммо-лим. Зотан, водий бағридаги жавоҳир — автомобиль заводи Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг юксак самарасидир.

**Раҳмонберди МАДРАҲИМОВ, «ЎзДонгВонКо» қўшма корхонасининг техник хизмат кўрсатиш бўлими катта устаси, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.**

**ТАДБИР**

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ишбилармон доиралари ўртасида бизнес-форум ҳамда кооперацион биржа ўтказилди.

## Ишбилармонлар форуми

Унда бир қатор манфаатдор вазирлик ва идоралар, бизнес тузилмалар вакиллари, Шэньси провинциясининг Хитой халқаро савдо тараққиётига кўмак бериш қўмитаси (CCPIT) ишбилармонлар гуруҳи иштирок этди.

Таъкидланганидек, юртимиз истиқлолга эришганидан сўнг дунёдаги қатор давлатлар, айниқса, Хитой билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйди. Ўтган қисқа давр мобайнида ҳар икки мамлакат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар ўзаро алоқаларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди.

Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик сиёсат, иқтисодиёт, савдо, саноат, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият каби барча соҳани қамраб олган бўлиб, у Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация каби қатор ҳужжатлар асосида равнақ топаяпти. Шу йилнинг дастлабки тўрт ойида товар айирбошлаш ҳажми 1,4 миллиард долларни ташкил этгани, Хитойнинг мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилган инвестициялари ҳамда кредитлари ҳажми 6,5 миллиард доллардан ошгани, Ўзбекистонда Хитой капитали иштирокида очилган 650 дан зиёд корхона фаолият кўрсатаётгани бунинг тасдиғидир.

Айни пайтда ўзаро ҳамкорлик доирасида асримизнинг энг йирик бунёдкорлик намунаси, Шарқ ва Ғарбни боғлашда энг муҳим бўғинга айланадиган Ангрен — Поп темир йўли барпо этилди.

(Давоми 2-бетда).

## Хуштаъм, сифати юқори, экологик тоза

Хорижлик экспертлар Ўзбекистон мева-сабзавотларига ана шундай баҳо беришди.




*Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида ўтказилган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси якунланди.*

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси, “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси, “Ўзагроэкспорт” ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир кутилганидек, жуда самарали ҳамда муваффақиятли кечди.*

Унда республикамизда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти бўйича умумий қиймати 2 миллиард АҚШ долларидан ортиқ 270 та шартнома имзолангани шундай дейишга асос бўла олади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг барча тармоғи, айниқса, мева-сабзавотчилик жадал суръатларда ривожланмоқда. Бу диёримизнинг қулай табиий-иқлим шароити билангина изоҳланмайди. Аксинча, қўлга киритилаётган ютуқлар замирида соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор, яратиб берилаётган шарт-шароитлар мужассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

(Давоми 2-бетда).

**ИФТИХОР**

Ҳар қайси миллатнинг маънавий камолоти жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади. Шу маънода, мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ аёлни эъзозлаш, сиҳат-саломатлигини асраш, оғирини енгил қилиш, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, илғор ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш, касбий, жисмоний, маънавий ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, ёш оилаларга моддий-маънавий кўмак кўрсатиш янада юқори босқичга, аниқроқ айтганда, давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

## Қадри юксак, азиз ва муҳтарам

Дарҳақиқат, бугун хотин-қизларнинг оила ҳамда жамиятдаги ўрни, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги фаоллиги тобора ортиб бораяпти. Эсласак, авваллари фақат бола тарбияси, уй-рўзғор ташвишлари билан банд бўлган аёлларимиз эндиликда турли жабҳаларда улкан ютуқларга эришмоқда. Қолаверса, ҳаётимизда тобора катта ўрин олаётган фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқлар, илму фан, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ҳамда санъат каби ўнлаб муҳим соҳа ва тармоқлар ривожини уларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бу истиқлол шарофати, хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътибору ғамхўрликнинг ёрқин намунаси, манфаатларининг ҳуқуқий кафолати, десак, асло муболаға бўлмайди. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг 1995 йил 2 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишдаги ислоҳотларни изчил давом эттиришда янги босқични бошлаб берди. Мазкур ҳужжатда хотин-қизларнинг аҳволини ижро ҳокимияти даражасида яхшилаш бўйича миллий механизм асослари яратилди, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ривожланиши бўйича давлат дастурларининг амалга оширилишига йўл очилди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари янги лавозими жорий этилиб, унинг зиммасига хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада юксалтириш билан боғлиқ масалаларни бошқариш юкланди.

(Давоми 2-бетда).

# Хуштаъм, сифати юқори, экологик тоза

## Хорижлик экспертлар Ўзбекистон мева-сабзавотларига ана шундай баҳо беришди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чиндан ҳам истиқлол йилларида қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий қилиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантиришга йўналтирилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилиб, фермерлик ҳаракати кенг йўлга қўйилди. Бунинг самараси ўлароқ, мева-сабзавотчилик ҳамда полизчилик энг сердаромад тармоқлардан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳа равнақида янги саҳифалар очилишида дастуриламал бўлмоқда.

I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ҳам ушбу ҳужжатга асосан ўтказилиб, экспорт географиясини янада кенгайтиришда қўшимча имкониятларни туҳфа этди.

— Мазкур ярмарканинг ташкил этилгани биз, ҳамкорлар учун айни муддао бўлди, — дейди Россия Федерациясининг Улгуржи тақсимот марказлари миллий уюшмаси ижрочи директори Владимир Лишук. — Чунки бу Ўзбекистонда етиштирилган экологик тоза, сифатли ҳамда мазали мевалар, узум ва полиз маҳсулотларидан имкон қадар кўпроқ, энг асосийси, тўғридан-тўғри сотиб олишга шароит яратади. Фурсатни қўлдан бермай, “Ўзагроэкспорт” компанияси билан кўп миқдорда мева-сабзавотлар харид қилиш бўйича шартнома туздик.

Аслида, биз Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Хоразм филиали билан уч ойдан бери музокаралар олиб бораяпмиз. Мақсадимиз Хоразм вилоятида логистика марказини очиб, ширин-шакар мева-сабзавот маҳсулотлари, айниқса, машҳур гурвак қовунларини Россия бозорига етказиб беришдир. Ўйлайманки, бу борадаги ишларимиз тез орада ўз самарасини кўрсатади.

Дарҳақиқат, ушбу форум чет эллик ҳамкорлар учун мазали мевалари довруғи дунёга ёйилган Ўзбекистон боғдорчилиги билан яқиндан танишиш, 2016 йилда етиштирилган хўл мева ҳамда қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари хариди бўйича шартномалар тузиш учун қулай имконият яратди. Шу боис у илк бор ўтказилганига қарамай, халқаро доирада катта қизиқиш уйғотди. Ярмарка ишида хорижий давлатларнинг савдо ташкилотлари, савдо-саноат палаталари, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги вазирликлари, логистика компанияларидан 300 дан ортиқ вакиллар иштирок этиб, савдо-сармоявий алоқаларини йўлга қўйгани, тадбирга ташриф буюрганлар сони 10000 нафардан ошиб кетгани бунинг яққол далилидир. Буларнинг бари саховатли заминимизда етиштирилган ноз-неъматларга талаб юқори эканлигини кўрсатади.

“Ўзэкспомарказ” мажмуасининг барча кўргазма павильонларида беш кун давомида 170 дан ортиқ маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналарининг маҳсулотлари кенг намойиш қилинди. Бундан ташқари, ҳар бир вилоят учун ажратилган майдонларда ҳудудларнинг қишлоқ хўжалиги ва экспорт салоҳияти ижодкорона усулда кўрсатиб берилдики, бу хорижлик меҳмонларда жаннатмонанд юртимизнинг сўлим боғлари, файз-баракага бурканган сабзавот ҳамда полиз пайкаллари ҳақида яққол тасаввур ҳосил қилишда қўл келди.

Халқаро ярмарка қатнашчилари унинг доирасида бўлиб ўтган “Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларининг устунлиги” мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этиш билан бирга, мамлакатимиз боғдорчилик тармоғида амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган юксак самараларни бевосита жойларда кўриш имкониятига ҳам эга бўлдилар. Улар, хусусан, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш, уни сифатли сақлаш, харидорларга сархил ҳолда етказиб бериш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини чуқур қайта ишлаш жараёнлари билан яқиндан тинишдилар. Меҳмонлар шу аснода Ўзбекистонда нафақат мазали ҳамда экологик тоза мева-чева етиштириш, балки озиқ-овқат саноати ҳам жадал ривожланиб бораётганига амин бўлганликларини эътироф этдилар.

— Ярмарка экспортчи корхоналарга ҳамкорлар топиш, янги савдо йўлакларини очиш имконини берди, — дейди Чортоқ туманида фаолият юритаётган “Азия агрофрукт” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Уматали Султонов. — Хусусан, бизнинг жамоамиз жорий йилнинг ўтган даврида 211 минг АҚШ долларилик мева-сабзавот экспорт қилган эди. Мазкур форумда иштирок этиб, чет элга қўшимча равишда 239,5 минг долларлик сархил ва қуритилган мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан шартномалар тузишга муваффақ бўлдик.

Ташкилотчиларнинг айтишича, I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида тузилган шартномаларга мувофиқ, 2,4 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинади. Шундан умумий қиймати 718 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 857 минг тонна маҳсулот хорижлик буюртмачиларга жорий йилда етказиб берилиши кўзда тутилган.

Эътиборлиси, экспорт таркиби ҳам ранг-баранг. Хусусан, ярмаркада имзоланган шартномаларга биноан, четга сотиладиган ноз-неъматларнинг 27 фоизини сабзавотлар, 25 фоизини узум, 20 фоизини мевалар, 17,6 фоизини қуритилган ҳамда қайта ишланган товарлар, 8,4 фоизини дуккакли маҳсулотлар, 2 фоизини эса қовун ташкил этади.

Хорижлик инвесторлар ўз бизнесини мамлакатимиз билан боғлашга интилаётгани бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан саналган боғдорчилик, сабзавот-полизчиликда кўп йиллик бой тажриба ва юксак илмий салоҳиятга эга давлатдир. I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси эса айни шу йўналишда юртимиз ишлаб чиқарувчилари ҳамда хорижлик инвесторлар ўртасида савдо-сармоявий ҳамкорликни кенг йўлга қўйишда янги уфқларни очиб бермоқда. Зеро, тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳам бугунги замон талаблари, халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган, самарали ва шаффоф бозор механизмини шакллантиришдан иборат эди. Форумнинг дастлабки натижалари ана шу мақсад-муддаога эришилганини кўрсатмоқда.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сўз — Халқаро ярмарка иштирокчиларига

**Михаил УРУСОВ,**
**“Техномаркет” компанияси директори (Россия):**

— Ярмарканинг ҳар бир куни биз учун жуда фойдали бўлди. Масалан, тадбир доирасида Андижон вилоятидаги қатор фермер хўжаликлари, улардаги интенсив боғлар, вакуумли музлаткичли омборхоналар фаолияти билан яқиндан танишдик. Ҳамма жойда инфратузилма замон талаблари асосида яратилган. Энг муҳими, етиштирилаётган помидор, пиёз, саримсоқпиёз, сабзи, бақлажон, ошкўк, олма, узум, шафтоли, олхўри каби табиат инъомларининг сифати, кўриниши, шакли, табиий тозалиги барча мезонларга мос тушади. Шунинг учун ҳам, улар Россияда севиб истеъмол қилинади. Буни ҳисобга олиб, серқуёш ўлкангизда етиштирилган шу каби мева-сабзавотларни импорт қилиш бўйича умумий қиймати 29 миллион АҚШ долларилик шартномалар имзоладик.

**Гинтарас ПАКСТИС,**
**“AgroTopService” компанияси директори (Латвия):**

— Ўзбекистонга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Бу ерда тинчлик, тотувлик оғушида меҳмондўст ва бағрикенг инсонлар ҳамжиҳатликда яшайди. Табиатингиз ҳам беназир. Боғу далаларда битган нозу неъматлар таъми ва таърифига сўз ожиз. Улар оддий харидордан тортиб, йирик компаниялар вакиллари талабларига тўлиқ жавоб беради. Бунга ярмарка доирасида ташкил этилган кўргазмалар, фермер хўжаликлари ҳамда корхоналарга уюштирилган экскурсиялар давомида яна бир бор амин бўлдим. Эндиликда маҳаллий тадбиркорлар билан келишиб, қуритилган пиёз, гармдори, булғор қалампири, олхўри, ўрик каби маҳсулотларни харид қилиш бўйича 6 миллион долларлик шартнома туздик.

**Александра КАМИНСКИ,**
**“Advice & Consulting srl” компанияси директори (Италия):**

— Ушбу йирик форум серқуёш Ўзбекистонда етиштирилган сархил ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг шаффоф, самарали савдо майдонига айланди, десам ҳақиқатни айтган бўламан. Чунки уларнинг барчаси ташқи бозорнинг халқаро талаблари ҳамда стандартларига мос. Бунинг учун биз тадбир дирекциясига миннатдорлик изҳор этган ҳолда, етакчи халқаро ярмаркалар ва мамлакатимизнинг кўргазма компаниялари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш борасида кўмаклашишга тайёрлигимизни билдирамиз. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларингизни дунё миқёсида янада кенг намойиш этишга хизмат қилади.

Бу шунчаки гап эмас. Жорий йилнинг сентябрь ойида ўзбекистонлик бир гуруҳ ишбилармонларнинг Италияга ташрифини ташкил этишни режалаштираяпмиз. Улар юртимиз аграр секторида тўпланган илғор тажрибаларни, жумладан, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳамда етказиб бериш бўйича яратилган “Кўчатхона — боғ — саралаш — қадоқлаш — омборхонага жойлаштириш — транспортда ташиш — сотиш” деб аталувчи ноёб логистика механизмини ўрганиб, яқиндан танишадилар. Бундай ҳамкорлик, албатта, ҳар икки томон вакиллари учун фойдадан холи бўлмайди.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Саиджон МАХСУМОВ ёзиб олди.**

### ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Пойтахтимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда “Реклама фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

# Реклама фаолиятини такомиллаштириш — долзарб вазифа

Парламент қуйи палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва реклама агентликлари вакиллари қатнашган тадбирда “Реклама тўғрисида”ги Қонун ижроси таҳлил қилиниб, реклама бозорини ривожлантириш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда реклама соҳасида мустаҳкам қонунчилик базаси яратилгани ушбу фаолиятни шакллантириш ва ривожлантириш, шунингдек, тадбиркорлик ҳамда истеъмол маданиятини такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Бугун реклама нафақат маҳсулотлар ва хизматлар сотишни жадаллаштириш воситаси, шу билан бирга, миллий иқтисодиётимизнинг изчил тараққий этаётган асосий тармоғи ҳамдир.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, сўнгги йилларда маҳсулотлар ҳамда хизматлар рекламаси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари сони ортаяпти, мамлакатда ишлаб чиқилаётган реклама маҳсулотларининг тури кенгайиб, сифати юксалиб бораётир. Реклама секторини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш доирасида соҳадаги тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият юритиши ва уларнинг дунё бозорига чиқиши учун қулай шарт-шароит яратилиб, ихтисослаштирилган кўргазмалар, ўқув машғулотлари ҳамда бошқа тадбирлар ўтказилаётир. Соҳада замонавий технологиялар кенг қўлланилмоқда.

Давра суҳбатида замонавий ахборот-коммуникация ва медиа технологиялар ривожланиши, янги товарлар ҳамда маҳсулотлар пайдо бўлиши муносабати билан реклама соҳасига оид қонунчилик механизмларини такомиллаштириб бориш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини давр талабларига мувофиқлаштириш, амалдаги қонунчилик ижросини таъминлаш, соҳада парламент назорати самарадорлигини ошириш долзарб вазифалардан эканлигига урғу берилди.

Иштирокчиларга реклама бозорини янада ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот тақдим этилди. Айни чоғда реклама қонунчилигини такомиллаштириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбир давомида сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари реклама соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини билдиришди.

Якунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қадри юксак, азиз ва муҳтарам

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раиси айни пайтда Бош вазирнинг ўринбосари этиб тайинланиши, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, ҳокимларнинг ўринбосарлари лавозимлари жорий этилди ва уларни тегишли хотин-қизлар қўмиталарининг раислари эгаллашлари белгилаб қўйилди.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, уларга эҳтирому эъзоз кўрсатиш, ташкилотчилик, тадбиркорлик, ишбилармонлик қобилиятига эга хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтирди. Унга кўра, юртимиздаги мавжуд ўн мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Ҳозирги кунда катта ҳаёт тажрибасига эга, эл орасида обрў-эътибор топган аёллар ушбу масъулиятли вазифада ишлаб, давлатимизнинг юксак эҳтиромига сазовор бўлмоқда.

Аёллар фаоллиги хусусида сўз кетганда, уларнинг нафақат иқтисодиёт, саноат тармоқларида, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида, шу билан бирга, сиёсат майдонида ҳам мустаҳкам ўрин эгаллаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Айни чоғда Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 17 фоизини, Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизини аёллар ташкил этаётгани, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларида юзлаб опа-сингилларимиз фаол иш олиб бораётгани фикримиз далилидир. Уларнинг ушбу йўналишдаги вакиллиги, шубҳасиз, ижтимоий соҳалар, хотин-қизлар, оила, оналик ва болалик муҳофазасига оид пухта қонунларнинг қабул қилинишида долзарб аҳамият касб этади.

Фахр билан айтиш мумкинки, бугун Ватанимизда яшаётган ҳар бир аёл, ҳар бир она чин маънода бахтли. Нега деганда, оиласи тинч, фарзандлари бағрида, соғ-омон, ҳуқуқ ҳамда эркинликлари қонунлар билан мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ўнлаб қонунлар, саксонга яқин фармон ва қарорлар, давлат дастурлари хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оила ҳамда жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Асосий Қонунимизнинг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги белгилаб қўйилгани, ўз навбатида, уларнинг давлат ҳамда жамиятни бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, юртимиз равнақи йўлида бор салоҳият ва имкониятларини ишга солиб, меҳнат қилишларига зарур шароит яратаяпти.

Шу билан бирга, мамлакатимиз қўшилган турли конвенция, битим ҳамда шартномаларнинг салмоқли қисми бевосита хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Опа-сингилларимиз манфаатларини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар, тизимли ишлар, комплекс чора-тадбирлар уларнинг салоҳиятию имкониятларини, иқтидору ташаббусларини тўла-тўкис рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, аёлларни қанчалик улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демак, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз.

**Комила КАРОМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# Талаб ва таклиф уйғунлиги

## корхона муваффақиятида муҳим аҳамиятга эга



**МОДЕРНИЗАЦИЯ**

Андижон шаҳридаги “Инвесттекс'' қўшма корхонаси 20 нафар коллеж битирувчисини ишга қабул қилгач, жамоа аъзолари сони 125 нафарга етди. Бунда банкнинг 750 миллион сўмлик молиявий кўмаги қўл келди.

Ушбу маблағ ҳисобига Хитой ва Германиядан энг замонавий технологиялар сотиб олинди. Шу тариқа ишлаб чиқариш самарадорлиги янада ортди. Маҳсулот сифати эса жаҳон талабларига мослаштирилди. Жамоа ўтган йилнинг ўзида ташқи бозорга 200 минг АҚШ долларилик кийим-кечак чиқарди.

Айни кунларда корхонада ҳамкорлар талаб ҳамда таклифлари асосида янги дизайндаги либослар тайёрлашни ўзлаштириш ишлари олиб борилаяпти.

**Саминжон ҲУСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

# Намунали кўчалар

*Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан пойтахт вилоятининг барча туман ва шаҳарларида 25 тадан намунали кўча ташкил этилмоқда. Аҳоли манзилларида йўл, коммуникация тизимлари янгиланиб, тураржой бинолари таъмирланаяпти.*

### ТУҲФА

Ангрен шаҳридаги Истиқлол кўчаси ҳам ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли файзли гўшага айланди.

— Байрамгача воҳамиздаги 550 та кўча “Намунали” деган мақомга эга бўлади, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими раиси Ҳожимурод Эрматов. — Бугунги кунга қадар уларнинг 230 дан ортиғида таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ишбилармонлар форуми

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон — Хитой юқори технологиялар саноат парки — “Жиззах” махсус индустриал зонаси яратилди. Унинг Сирдарё вилоятидаги филиалида мобиль телефонлар, тикув машиналари, қурилиш материаллари, қуёш коллекторлари, Ангренда эса автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналар ҳамда конвейер лентаси ишлаб чиқарилаяпти. Марказий Осиё — Хитой газ қувурининг тўртта тармоғи ҳам мамлакатимиз орқали ўтиши ёқилғи-энергетика соҳасидаги улкан салоҳият ва ўзаро манфаатдорликдан далолат беради. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш жараёнларида қатнашаётгани, “Huawei” компанияси билан ҳамкорликда юртимизда телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича 20 та лойиҳа амалга оширилгани, Хитойдан Европа давлатларига маҳсулот ташиш Ўзбекистон ҳудуди орқали бажарилаётганини ҳам алоҳида келтириб ўтиш жоиз.

Тадбир эса бу борадаги изчил алоқаларни янада равнақ топтириш, инвестицион лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш имкониятларини ўрганиш ва кенгайтириш, икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик масалаларини кўриб чиқувчи бизнес-форумлар ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари иштирокидаги кооперацион биржалар ташкил этиш миқёсини янада оширишга хизмат қилади. Зеро, делегация таркибида тўқимачилик, тиббиёт ва бошқа турдаги ускуналар, электротехника, муқобил энергия манбалари, дори-дармон ҳамда шифобахш гиёҳлар ишлаб чиқариш, телекоммуникация ва АКТ, машинасозлик, қурилиш, озиқ-овқат ҳамда кимё саноати каби йирик соҳалар вакиллари ўрин олган. Ўзаро муҳокамалар давомида савдо-иқтисодий соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари таҳлил қилиниб, қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

Анжуман асносида меҳмонлар республикамизда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни юқори баҳолашди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?!

Фермер хўжалигимизда ишчи-ходимларнинг нон ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун кичик цех очганмиз. Сифатли нон ҳамда нон маҳсулотлари ишлаб чиқараяпмиз. Натижада, яна уч киши доимий иш билан таъминланди. Қандолат маҳсулотларимизни болажонлар яхши кўриб истеъмол қилишаётганини кўриб, бир воқеа ёдимга тушди.

# Печеньени талонга олганман...

1990 йили фарзандим Жасурбек бир ёшга тўлган эди. Унга қўшимча овқат сифатида печенье бермоқчи бўлдик. Қишлоғимиз магазинида бу маҳсулот йўқ. Турмуш ўртоғим Учқўрғон тумани марказига печенье излаб кетиб, кечқурунгача қидириб, қуруқ қайтди. Дўконларда пештахталар бўм-бўш экан, ҳеч нарса топа олмабди.

Шунда раҳматли қайнонам “Шакар, ун, ёғни қориштириб, хамир қилиб, печенье пиширса бўлади”, дедилар. Хурсанд бўлиб, қишлоғимиз дўконига чопдим. Минг афсуски, дўконларда мен истаган масаллиқлар йўқ эди. Уйга қайтаётиб маҳалламиз педиатри Соҳиба опани кўриб қолдим. Унга ҳасратимни тўкиб солдим. Опа поликлиникадан болалар печеньеси учун талон ёздириб олишимни айтди. Ана шунда бир килограмм печеньени туман марказидаги озиқ-овқат дўконидан талонга сотиб олганимдан суюнган эдим.

1990 — 1992 йиллари туманимизда саноқли озиқ-овқат дўконлари бор эди. Деҳқон бозори ҳафтада бир марта ташкил этиларди.

Бугун-чи?! Саодатимиз шарофатини қаранг, дўконларимизда барча нарса муҳайё. Юзлаб озиқ-овқат дўконлари кеча-кундуз ишлаб, аҳолига хизмат кўрсатаяпти. Пештахталари ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан лиммо-лим.

Истиқлолга эришганимиздан кейин тадбиркорликка кенг йўл очилди. Мен ҳам халқимиз дастурхонини тўлдиришга ҳисса қўшай, деб фермер бўлдим. 2011 йили қишлоқ хўжалиги фаолиятидаги самарали меҳнатларим учун “Шуҳрат” медали билан тақдирландим.

2013 йил “Isuzu” автобусини сотиб олдик, ишчи-хизматчиларнинг узоғи яқин бўлди. Ҳар куни эрталаб фарзандларимизни мактаб ва боғчаларга бепул олиб боришни ташкил қилдик.

Бугун биз қудратли мамлакатнинг бахтиёр фуқароларимиз. Мустақиллик йилларидаги тақдиримиз, қадримиз ниҳоятда улуғ. Шундай экан, бу улуғлик қалбимизда ҳамиша акс садо бериб турсин.

**Гулхумор ТОҒАЕВА,**
**фермер.**
Учқўрғон тумани

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 19 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2245,49 | 1 Исландия кронаси | 24,27 | 1 СДР | 4124,43 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3911,92 | 1 Канада доллари | 2285,72 | 1 Туркия лираси | 1000,40 |
| 1 Дания кронаси | 440,06 | 1 Хитой юани | 441,74 | 1 Швейцария франки | 3010,04 |
| 1 БАА дирҳами | 805,62 | 1 Россия рубли | 46,84 | 1 евро | 3280,62 |
| 1 АҚШ доллари | 2958,87 | 1 Украина гривнаси | 119,27 | 10 Жанубий Корея вони | 26,05 |
| 1 Миср фунти | 337,39 | 1 Малайзия ринггити | 744,18 | 10 Япония иенаси | 280,33 |
| | | 1 Польша злотийси | 740,53 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Қурилиш материаллари саноати:

# ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР, САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қолаверса, тизимда 900 дан ортиқ корхоналарда йилига 3,6 млрд. дона деворбоп материаллар тайёрлаш йўлга қўйилган, сопол плиткалар ишлаб чиқариш ҳажми йилига 0,6 млн. донадан 11 млн. донага кўпайтирилди, цемент тайёрлашнинг йиллик ҳажми эса 3,6 млн. тоннадан 8,2 млн. тоннага оширилди.

### Хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва инвестиция

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қурилиш материаллари саноати корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш деярли якунланди. Пировардида акциядорлик жамиятлари (АЖ), масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ), хусусий корхоналар (ХК), қўшма корхоналар (ҚК), хорижий корхоналар (ХК) ва бошқа кўринишдаги мулкчилик шакллари яратилди.

Бундай корхоналар қарорлар қабул қилишда эркин бўлиб, ўз фаолиятини бозор талабларига мувофиқ олиб боради. Шу тариқа уларда мавжуд қувватлар оширилиб, зарурат туғилганда, ишлаб чиқариш тузилмаси янгидан шакллантирилади.

Компания таркибидаги “Қизилқумцемент” АЖ, “Бекободцемент” АЖ, “Кварц” АЖ ҳамда “Оҳангароншифер” АЖлардаги давлат улушлари савдога қўйилиб, хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш ишлари давом эттирилмоқда.

Эътиборли жиҳати, мустақиллик йилларида жадал ривожланаётган ва бутунлай қайта тикланган қурилиш материаллари саноати хорижий инвесторлар учун энг жозибадор, яъни ўзига жалб қилувчи тармоққа айланди. Сўнгги 10 йил ичида унга киритилган инвестициялар 270 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлиб, йиллик ўртача ўсиш суръати 49,2 фоизни ташкил этгани ана шундан далолат беради.

### Йирик лойиҳалар самараси

Замонавий қурилиш материаллари тайёрлашни такомиллаштириш, шу жумладан, тармоқларда истиқболли лойиҳаларни жорий қилиш, корхоналарни техник ҳамда технологик жиҳатдан янгилаш — давр талаби. Шундан келиб чиқиб, “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик компаниясида бу борадаги ишлар тобора жадал тус олмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, 100 дан ортиқ янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилгани ҳолда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда реконструкция қилиш тадбирлари амалга оширилди. Натижада тизимда сэндвич панеллар, полистирол асосида безакловчи панель ва унинг қисмлари, газобетон, томёпқич материаллари, пластик профиль, намга чидамли гипсокартон, қуруқ қурилиш қоришмалари, қуруқ цемент, клинкер, оқ ва портландцемент, сопол плиталар, замонавий йўлак плиталари каби импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2015 йил 11 февралдаги қарорига асосан, Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган “ARM Composite” масъулияти чекланган жамиятида шиша пластикли, “Мафтус” хусусий корхонасида деворлар учун гулқоғозлар, “Prime Ceramics” хорижий корхонасида сопол плиткалар ишлаб чиқарилишига эришилган бўлса, “Ўзметкомбинат” акциядорлик жамияти томонидан Бекобод шаҳрида қуввати 10 минг тонна бўлган иссиқликни сақловчи материалларни тайёрлаш линиялари фойдаланишга топширилди.

Инвестиция дастурига мувофиқ эса, жорий йилда 14,31 млн. АҚШ долларилик 6 та лойиҳани рўёбга чиқариш режалаштирилган.

### Халқаро менежмент тизими — амалиётга

Тармоқ корхоналари томонидан тайёрланаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлиги ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида халқаро талабларга жавоб берувчи сифат бошқаруви тизимларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли бугунги кунга келиб, компаниянинг 30 та корхонасида ISO 9001:2008 халқаро сифат менежменти тизими йўлга қўйилди. 2016 — 2017 йилларда “Ўзстандарт” агентлиги билан келишилган ҳолда, яна 7 та корхонада ISO 9001 сифат менежменти, 2 та корхонада эса ISO 50001 энергия менежменти тизимларини қўллаш кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда ISO 9001 сифат менежменти тизимини “Jahongir Servis” МЧЖ, “Оҳангаронцемент” АЖ, “Қувасойцемент” АЖда, ISO 50001 энергия менежменти тизимини “Бухорогипс” ҚК АЖда татбиқ қилиш белгиланган бўлиб, ҳозирги пайтга қадар “Бухорогипс” ҚК АЖ ва “Қувасойцемент” АЖга қайтадан сертификатлар берилди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларининг кўпайиши






Суратлар «Халқ сўзи» фотожамламасидан олинди.

### Экспорт салоҳияти тобора ошмоқда

Бугунги кунда юртимизда ички бозорнинг қурилиш материалларига бўлган талаби қондирилиши баробарида, унинг катта қисми экспортга йўналтирилмоқда. Чунончи, 1991 — 2016 йиллар мобайнида 50 та корхона томонидан умумий қиймати 885 млн. АҚШ долларилик маҳсулот хорижга юборилди.

Айни пайтда компания маъмурияти корхоналарнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Озарбайжон каби мамлакатларда дилерлик тармоқлари ва ваколатхоналарини очиш бўйича иш олиб бормоқда.

### Импорт ўрнини босади

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2009 йилдан эътиборан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурила бошлангач, қурилиш материалларига бўлган талаб янада ортди. Ҳозирги кунда бино ҳамда иншоотларни бунёд этиш учун 62 турдаги маҳаллий қурилиш буюмлари ишлатилаётгани, бу жами материалларнинг 89,8 фоизини ташкил қилаётгани бунга мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, “Ўзқурилишматериаллари”да кейинги йилларда ички бозорни маҳаллий қурилиш материаллари билан тўлдириш, импорт ва экспорт ҳажмини ошириш диққат-эътиборда турибди. Хусусан, 2012 — 2015 йилларда республикамизга импорт қилинадиган қурилиш материаллари таҳлил этилганда, 150 млн. долларлик 15 турдан зиёд ана шундай материаллар зарурлиги, уларни республикамизда тайёрлаш масаласини кун тартибига қўйиш шартлиги аён бўлди. Шунга кўра, 50 дан ортиқ корхоналарда қуруқ қурилиш қоришмалари, “ТошҚМК” акциядорлик жамияти, “Moderna Ceramic Industries Fergana” қўшма корхонасида сопол плиткалар ишлаб чиқариш ҳажми орттирилган бўлса, “Art Mosaic”, “Azia Mosaic”, “Bill Tosh”, “Fiammata” сингари масъулияти чекланган жамиятларида безакловчи материаллар, “Grand Art Ceramics” қўшма корхонасида санитар-техника буюмлари тайёрлашга киришилди. Бу сўнгги уч йил давомида қурилиш материалларини импорт қилиш ҳажмини 3,5 баробар камайтириш имконини берди.

Хулоса ўрнида айтганда, ўтган 25 йил мобайнида мамлакатимизда қурилиш материаллари саноати замонавий, модернизациялаштирилган, техник ва технологик жиҳатдан жиҳозланган, энергия тежовчи, иқтисодий барқарор, рақобатдош тармоққа айланди. Компанияда эришилган салмоқли натижалар эса кўплаб хорижий мутахассислару экспертлар томонидан ўз эътирофини топаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

**Абдураҳмон МАХАМАДИЕВ,**
**«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси раиси ўринбосари.**

ФЕСТИВАЛЬ

Хива шаҳридаги “Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонасида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектуризм” Миллий компанияси, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида “Рақс сеҳри” халқаро фестивали ташкиллаштирилди.

## Миллий рақсларимиз жозибаси

Президентимизнинг “2013 — 2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, воҳага ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар орасида бой маданий-тарихий меросимизни кенг тарғиб этиш каби мақсадларга қаратилган мазкур санъат байрамида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган фольклор жамоалари, чет эллик рақс санъати мутахассислари, меҳмонлар қатнашди.

Фестиваль кунлари “Ичан-Қалъа”нинг Кўҳна Арк саройи ҳар қачонгидан мафтункор қиёфа касб этди. Тадбир доирасида бу ерда Ўзбекистон рақс санъати фотокўргазмаси, ҳунармандчилик ярмаркаси ташкил қилинди. Томошабинлар билан гавжум майдонларда Хоразм вилояти фольклор жамоалари, қўғирчоқ театри, дорбозларнинг театрлаштирилган томошалари намойиш этилди. Турли саҳна кўринишларидан воҳанинг бой тарихига оид лавҳалар ўрин олди. Яна бир эътиборли жиҳати, рақс либослари, миллий ҳунармандчилик ҳамда таомлар кўргазмалари, ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари, сайёр концерт дастурлари уюштирилди. Хоразм Маъмун академиясида эса “Рақс сеҳри” конференцияси ўтказилди. Бу каби оммабоп тадбирлар барча меҳмонларга олам-олам завқу шавқ улашиб, азалий қадриятларимизни тараннум қилишда муҳим аҳамият касб этди. Ташкил қилинган гала-концерт дастури миллий рақс санъатимиз намойишига айланди.

— Бир гуруҳ дўстларим билан Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга чиққанмиз, — дейди италиялик сайёҳ Даниела Пантанони. — Қарангки, бугун Хивада ўзига хос байрамнинг гувоҳи бўлдик. Бундан жуда хурсандмиз. Уч йил аввал Францияга саёҳат қилганимда, туризм ярмаркасида қатнашиб, мамлакатингизнинг бетакрор санъатидан баҳра олгандим. Энди эса бу заминнинг нафақат тарихий обидалари, балки ранг-баранг санъати ҳам мени мафтун этди. Миллий урф-одат ва анъаналарингиз билан яқиндан танишдим. Қувонарлиси, ўзбек раққос ҳамда раққосалари билан ўйинга тушиб, роҳатландим. Миллий кийимларингизни кийиб, суратга тушдим. Ушбу лаҳзаларни дўстларим билан баҳам кўраман.

Мазкур нуфузли фестиваль халқимиз маданиятининг илдизлари жуда чуқурлигини жаҳонга яна бир бор намоён қилди. Ўз навбатида, у ёш авлод қалбида бебаҳо меросимизга чин ворислик, қадриятларимизга ҳурмат ҳамда рағбат туйғуларини уйғотиши, шубҳасиз.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

**«Invest ko‘chmas mulk savdo» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Данғара тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2013 йил 27 мартдаги 15-1309/3369-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Данғара тумани, «Оқжар» ҚФЙ, Тантиқсарой қишлоғида жойлашган, «Сирдарё» ММТПга қарашли, 0001, 0002, 0008 — 0018, 0020-литерлардаги, қурилиш майдони — 7684,17 кв. м., фойдаланиш майдони — 2333,61 кв. м. бўлган марказий таъмирлаш устахонаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 407 918 343 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 22 август куни соат 11.00 да ўтказилади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан буюртмачи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 19 август куни соат 18.00.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Invest ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг ХАБ «Трастбанк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 22604000300499077001, МФО: 01123, СТИР: 303445495.

Савдо ғолиби мулк учун тўловни савдо кунидан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Аукцион савдосида қатнашиш ҳамда қўшимча саволлар бўйича қуйида кўрсатилган манзилга мурожаат қилиш мумкин.

**БИЛДИРИШНОМА**

Қува тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 14 декабрдаги 15-1504/23180-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич баҳоси — 312 500 000 сўм бўлган, Қува тумани, «Тинчлик» МФЙ, Қайқубод кўчасида жойлашган мебель ишлаб чиқариш корхонаси бино-иншоотлари бир қисми савдоси тўхтатилганлиги маълум қилинади.

***Асос:*** Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2016 йил 13 июлдаги 1-29/2-сонли хати.

Хизматлар лицензияланган.

**Манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 22-уй, 3-хона.**
**Тел./факс: (0-373) 244-15-29.**
**www.ikms.uz**

1060А/492

**«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ**

**очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

«Effect real group» МЧЖда 2016 йил 22 август куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 3 декабрдаги 15-1507/22694-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошлоқ тумани, Тегирмонбоши маҳалласида жойлашган умумий овқатланиш шохобчаси, маҳалла гузари ҳамда савдо-маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 130 000 000 сўм.***

**2.** ФИБ Марғилон туманлараро судининг 2015 йил 4 майдаги 1-1385/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошлоқ тумани, Қипчоқариқ маҳалласида жойлашган тураржой (ҳовли).

***Бошланғич баҳоси — 39 000 000 сўм.***

**3.** ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2015 йил 14 декабрдаги 2-62/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, Янги аср кўчаси, 80-«Б» уйда жойлашган 31, 32а, 33, 33а, 34, 35 ва 36-сонли савдо дўконлари бино-иншоотлари арзонлаштирилган нархда.

***Бошланғич баҳоси — 597 740 505 сўм.***

**4.** ФИБ Қўқон туманлараро судининг 2015 йил 12 июндаги 3120/2015-сонли ҳамда Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 14 сентябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Данғара тумани, «Найманча» ҚФЙ, «Наврўз» аҳоли пунктида жойлашган, намунавий лойиҳа асосида қурилган тураржой (ҳовли).

***Бошланғич баҳоси — 75 027 429 сўм.***

**5.** ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2015 йил 24 апрелдаги 2-17/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Данғара тумани, «Данғара Роҳатой ҳожи» фермер хўжалиги ҳудудида жойлашган 12 хонали тураржой (ҳовли).

***Бошланғич баҳоси — 256 415 455 сўм.***

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 19 август куни 11.00 да тўхтатилади.

Аризалар иш кунлари 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Effect real group» МЧЖнинг «Савдогарбанк» Фарғона вилояти бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943278001, МФО: 00500, СТИР: 302128329.

1057R/493

**Манзил: Фарғона шаҳри, Аҳмад Фарғоний кўчаси, 43-уй, 22-хона.**
**Телефонлар: (+99895) 404-54-84, (+99890) 272-84-31.**
Хизматлар лицензияланган.

**«Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Данғара тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2015 йил 24 апрелдаги 2-17/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Данғара тумани, Янгиқишлоқ кўчасида жойлашган 125-уй.

***Бошланғич баҳоси — 138 746 423 сўм.***

**2.** Данғара тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 5 ноябрдаги 15-1309/18140-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Данғара тумани, «Ғалаба» ҚФЙ, Пахтакор қишлоғида жойлашган дала шийпони.

***Бошланғич баҳоси — 8 101 646 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 22 август куни соат 15.00 да ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 19 август куни соат 18.00.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиалининг ХАБ «Трастбанк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000300433601012, МФО: 01123, СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 21/1-уй.**
**Телефон: (+99895) 402-54-75. www.emulk.uz**
**E-mail: best.fergana@inbox.uz**

1064А/421

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Оқолтин тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 7 сентябрдаги 12-1506/6134-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Оқолтин тумани, Сардоба шаҳарчаси, Гулистон — Гагарин 4р-29 автомобиль йўлида жойлашган, «Фориш Оқолтин текстиль» МЧЖга тегишли, қурилиш майдони 2063,0 кв. м., фойдаланиш майдони 1599,13 кв. м. бўлган идора ва ёрдамчи бинолар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 773 425 531 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 18 август куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 16 август куни соат 18.00.

Аукцион савдосига Ховос тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 6 октябрдаги 12-1403/10467-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Ховос тумани, «Пахтакор» ҚФЙ, «Ўзбекистон мустақиллиги 5 йиллиги» СИУ ҳудудида жойлашган, «Нодира» фермер хўжалигига тегишли бир қаватли молхона ҳамда бошқа иншоотлар бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 317 443 633 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 3 август куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 1 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг АТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри,**
**Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона.**
**Тел.: (0-367) 226-38-91. www.1kms.uz**

1062А/180

Хизматлар лицензияланган.

# Мустақил юрт эгалари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундай тадбирларда ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, тинчлик ҳамда барқарорликнинг қадр-қимматини тўлақонли тушунтириш, истиқлол шарофати билан ҳар биримиз ва энг аввало, ёш авлод вакилларига яратилган имкониятларнинг аҳамияти, қолаверса, ушбу шарт-шароитлардан унумли фойдалана олиш масъулияти уларнинг ўз зиммасида эканини чуқур англатишга устувор аҳамият қаратилган. Эътибор берсак, санаб ўтилганларнинг барчаси эртанги кунимиз қандай бўлишини белгилаб берувчи жиҳатлардир. Чунки олиб борилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини теран англамаган ёинки ана шу ислоҳотлар учун бирламчи шарт бўлмиш тинчликни қадрлаб, уни асраб-авайлашга ҳаракат қилмаган инсон мамлакатни тараққий эттира олмайди. Яна бир муҳим жиҳати, эртамиз эгаларига ана шу нозик масалаларни ким ва қандай қилиб тушунтираётганидан иборат.

"Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" фестивалида айни шу мақсадга ниҳоятда жиддий ёндашилди. Ёшлар анжуманларида иштирок этган республика тарғибот гуруҳига — депутатлар, ёш олиму мутахассислар, спортчилар, тадбиркорлар, шоир ҳамда ёзувчилар, кино ва театр актёрлари, эстрада хонандалари, опера ижрочилари, мусиқачилар жалб қилинди. Бундай таркибнинг танлангани бежиз эмас. Тарғибот гуруҳига кирганларнинг аксарияти бой ҳаётий тажрибага эга, кўпни кўрган, хизмат тақозоси билан халқ орасида кўп юрадиган инсонлардир. Муайян қисми эса ёш эканига қарамай, ўз иқтидори, билиму салоҳияти эвазига ҳавас қилишга арзийдиган



ютуқларни қўлга киритган ғайратли ўғил-қизлардан иборат. Бу ибрат мактаби вазифасини ўтайди.

Дарвоқе, бу йилги фестивалларда қатнашган тарғиботчилар сони лойиҳа тарихида рекорд кўрсаткич — 950 нафарга етди. Улар истиқлол йилларида юртимиз манзиллари нечоғли обод бўлгани, уларда истиқомат қилаётган минг-минглаб одамлар, айниқса, ёшлар онгу тафаккурида юз берган ўзгаришларга бевосита гувоҳ бўлди.

— Ёшларимизнинг юз-кўзларидаги ғайрат-шижоат, интилиш, билимга чанқоқликни кўриб, келажагимиз ишончли қўлларда, деган фикрга келасан киши, — дейди республика тарғибот гуруҳи аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Тоҳир Саидов. — Биз эса фарзандларимиз маънавий эҳтиёжларини қондириш, уларни она-юртга садоқат руҳида тарбиялашдек эзгу ишга камтарона ҳиссамизни қўшганимиздан хурсандмиз. Биласизми, бу ҳаёт тегирмондек гап. Унинг чиғириғидан ёшларимиз соғ-омон чиқиб, ўз ўринларини топиб кетишлари учун мана шундай маънавий-маърифий тадбирлар жуда керак. Айниқса, қишлоқ ёшлари менда катта таассурот қолдирди. Диний экстремизм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби иллатларга оид долзарб мавзуларда кечган жонли мулоқотлар жараёнида улар билдирган қатъий фикр-мулоҳазалар, берган саволлари шахсан мени узоқ ўйга толдирди. Дунёда манфаатлар тўқнашуви кескин тус олган бугунги таҳликали замонда ёшларимиз оқни қорадан мустақил равишда ажратиб, турли глобал муаммоларга қатъий позициясини ифодалай олаётгани ниҳоятда қувонарлидир. Ёшлар фестиваллари туфайли республикамиз ҳудудларида олиб борилган улкан бунёдкорлик ишлари билан янада яқинроқ танишдик.

Яна бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратмоқ жоиз. Жойларда ўтказилган тарғиботлар бу шунчаки ёшларнинг таниқли инсонлар билан учрашувию дилдан қурилган суҳбатлари эмас. Ҳар бир тадбирга фестиваль концепциясидан келиб чиққан ҳолда, муайян мазмун киритилди. Мазмундорликни таъминлаш мақсадида эса ташкилотчилар — "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар вазирликлари, Республика Маънавият тарғибот марказі, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида махсус тарғибот материаллари тайёрланди.

Президентимизнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" асари, одам савдоси, диний экстремизм ҳамда терроризм, "оммавий маданият", соғлом турмуш тарзи каби мавзулардаги тақдимот ва видеороликлар, "Жаҳолатга қарши маърифат", "Гедонизм. Маҳдудлик ёхуд худбинлик исканжаси", "Қиёматга қолган қарз" номли ҳужжатли фильмлар, "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?!" мавзуидаги ижтимоий роликларни ўз ичига олган тарғибот материаллари диск кўринишида барча таълим муассасасига етказилди ҳамда ҳудудлардаги фестиваллар доирасида уч кун давомида жойлардаги таълим муассасаларининг маънавий-маърифий йўналиш бўйича директор ўринбосарлари ва Ҳаракатнинг бошланғич ташкилот етакчилари томонидан тарғиботи ўтказилди.

"Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остидаги ёшлар фестивалларининг аҳамиятини фақат олдига қўйилган мақсадлар эмас, балки мазмун-мундарижаси ҳам белгилайди. Бу жиҳатга алоҳида тўхталмай иложимиз йўқ. Бугунги кунда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, ёшларга оид давлат сиёсатининг натижалари фестиваль доирасида концерт, танлов, мусобақа, ижодий кеча ҳамда учрашувлар, очиқ мулоқотлар, баҳс-мунозаралар орқали ўғил-қизларга етказилди.

Даставвал таъкидлаш жоизки, бу йилги фестиваль дастурига саккизта янги лойиҳа киритилиб, уларнинг умумий сони 17 тага етказилди. Энг муҳими, уларнинг ҳар бири ўз концепцияси ва ижтимоий аҳамиятга эгадир.

"Бу — менинг Ватаним!" лойиҳаси доирасида таълим муассасаларию корхона ҳамда ташкилотларда давлатимиз раҳбарининг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" номли китоби юзасидан давра суҳбатлари ташкил этилди. Мазкур асар ёшларга мустақиллик йилларида ҳаётимизнинг турли жабҳаларида рўй берган ўзгаришларнинг моҳиятини теран англатиш имконини яратадиган муҳим манбалардан бири саналади. Давра суҳбати кўринишидаги ўзаро мулоқотлар ушбу китобнинг аҳамиятини тўлароқ англашга замин ҳозирлади.

Ёшлар фестиваллари мундарижасидан маданий лойиҳалар ҳам ўрин олган. Бу бежиз эмас. Чунки аксарият ҳолларда ижтимоий аҳамиятга эга муайян масалада фикр билдириш ёки қайсидир ғояни тугал ифодалаш учун санъатга етадигани топилмайди. "Талабалар театр-студиялари" лойиҳаси орқали шаҳар марказлари ҳамда чекка ҳудудларда талабалар томонидан намойиш этилган спектакллар навқирон авлод вакилларининг ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга теран назар солишига хизмат қилган бўлса, ажаб эмас. Айниқса, Қорақалпоқ давлат университетининг "Жайҳун" театр-студияси томонидан саҳналаштирилган "Тебранмас юраклар" драмаси минглаб ёш томошабинлар қалбидан чуқур жой олди. Саҳна кўриниши орқали эрта никоҳ ва туғуруқнинг салбий оқибатлари, гиёҳвандликка кескин нафрат уйғота олган ёш актёрларнинг маҳоратига тасанно айтмай бўладими ахир?!

"PROlogue" — ёш киноижодкорлар томонидан суратга олинган қисқа метражли фильмлар фестивали, "Ёшлар жонли ижро тарафдори" (таниқли хонандаларнинг жонли ижродаги импровизацияларига бағишланган лойиҳа), "Ватаним — менинг фахрим" (Ватан ҳақидаги шеърлардан тузилган мушоиралар) каби лойиҳаларда ҳам санъатнинг бетакрор қудрати ифодаланди. Мазкур жараёнда қанчадан-қанча янги истеъдод соҳибларининг кашф этилганини айтмайсизми?!

"PROlogue" ҳақида икки оғиз сўз. Ўтган йили илк бор "Ёшлар ҳафталиги" доирасида ўтказилган ушбу лойиҳа орқали кино соҳасига қадам қўяётган ўнлаб йигит-қизларга ўз ижод намуналарини катта экранга олиб чиқиш имкони яратилган эди. Лойиҳа якунида таниқли режиссёр ва киношунослардан ташкил топган ҳакамлар ҳайъати йигирмата қисқа метражли фильм орасидан олтитасини ғолиб, деб топди. Энди эса ушбу фильмлар тарғибот материаллари қаторидан жой олиб, жорий йилги ёшлар фестиваллари давомида юртимиздаги барча шаҳару қишлоқларда намойиш қилинди. Вафо, садоқат, оқибат, Ватанга меҳр-муҳаббат мавзулари ёш томошабинларни бефарқ қолдирмади.

Мустақиллигимизнинг чорак асрлик санасига бағишланган фестивалларга алоҳида жозиба ва кўтаринкилик бахш этган лойиҳалардан бири "25" акциясидир. Унда республикамиз бўйича минглаб ёшлар қатнашиб, Ватанимизга муҳаббатини ижодкорлик билан изҳор этди.

— Юртимизда чорак аср давомида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ишларни ўзида мужассамлаштирган 25 рақами бир-бирини танимайдиган, бироқ бир халқнинг фарзанди бўлган қанчалаб инсонларни эзгу мақсад йўлида бирлаштириши, қалбларига улуғворлик бағишлаши мумкинлигига мана шу акция давомида ишонч ҳосил қилдим, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Меҳриноз Аббосова. — Бу лойиҳа биз, Ўзбекистон ёшларининг миллий руҳини осмон қадар юксалтира олди. Қайси вилоятга бормай, тенгдошларим акцияга алоҳида меҳр билан ёндашганини кўрдим. Ғояларнинг ранг-баранглиги дилни қувонтиради. Асакадаги "GM Uzbekistan", Самарқанддаги "MAN" автомобиль заводларида ишлаб чиқарилаётган енгил ва юк машиналари, Чуст дўппиларию Нурота кашталари, янги муқовадаги китоблар ҳамда яна кўплаб бошқа хилдаги буюмлардан ясалган 25 рақамидан ҳар бир юртдошимизнинг қалби фахр-ифтихорга тўлади.

"25" акцияси истиқлол йилларида босиб ўтилган тарихий йўл, эришилган улкан ютуқ ва марралар, уларнинг моҳиятию аҳамиятини ҳар томонлама чуқур ҳис этиш, уни кенг жамоатчиликка етказиш, "Ким эдигу ким бўлдик?!" деган ҳаётий ҳақиқатни англаган ҳолда, ёш авлодда ватанпарварлик туйғуларини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Мазкур акцияни кенг тарғиб қилиш, электрон ёдгорлик яратиш мақсадида www.25.kamolot.uz веб-саҳифаси яратилди.

— Фестиваль давомида наинки ёшлар, балки барча юртдошимиз байрам шукуҳи билан яшади. Шу ўринда олдинги йилларда кузатилмаган бир ҳолатни тилга олишни истардик. Жорий йилда ҳудудларга фестивалнинг тарғиботчилар гуруҳи билан бирга, истеъдодли ёш дирижёр, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Камолиддин Ўринбоев бошчилигидаги Ёшлар симфоник оркестри ҳам сафар қилди. Оркестр томонидан тақдим этилган ажойиб шоу дастурлари ўғил-қизларда унутилмас таассуротлар қолдирганига шубҳа йўқ.

Таъкидлаш жоизки, фестиваллар асносида ёшлар билан халқ эътирофига сазовор бўлган инсонларгина эмас, балки айни пайтда ёшларни ўйлантираётган масалалар ечимига бевосита дахлдор ва масъул саналган шахслар — давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари вакиллари ўртасида ҳам ижтимоий мулоқот боғланмоқда. Масалан, анъанавий "Ҳоким ва ёшлар" лойиҳаси доирасида улар туман, шаҳар, вилоят ҳокимлари билан учрашиб, муаммо, фикр ёки таклифларини айтиш имконига эга бўлишди.

— 2015 йилги ёшлар фестиваллари доирасидаги "Ҳоким ва ёшлар" учрашувларида ёшлар томонидан билдирилган таклифларга кўра, 2016 йил Қорақалпоғистон Республикасида "Ёшлар маркази" қуриб фойдаланишга топширилди, — дейди "Камолот" фаоли Сарвиноз Турешова.

Депутатлар билан учрашувларда эса ёшларга оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг ижроси юзасидан жонли суҳбатлар уюштирилди.

— Учрашувларда йигит-қизлар бугунги кунда қабул қилинаётган қонунларда ёшлар масаласига қай даражада эътибор қаратилаётганлиги ҳақида, қолаверса, ёшлар томонидан билдирилаётган таклифларнинг қанчаси қабул қилинаётган қонунларга киритилаётганлиги тўғрисида сўрашади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Рустам Қобилов. — Қолаверса, фестивалга жалб этилган тарғиботчилар (улар орасида ёшлар ҳам бор) мазкур қонунларнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиши мумкин. "Виждонли сотувчи" лойиҳаси худди шу мақсадга қаратилган. Унинг доирасида таниқли санъаткорлар ҳамда фаол ёшлар биргалашиб "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Қонун нормалари жойларда нечоғли таъминланаётганини ўрганди.

Аждодлар мероси, шу жумладан, халқнинг азалий қадриятларига ҳурмат кўрсатиш ҳар бир авлод олдидаги муҳим вазифадир. Шу боис юртимизда баркамол авлод тарбиясида маънавият масаласига бирламчи эътибор қаратилган. Бундай ёндашув ёшлар фестиваллари концепциясига ҳам хос. Фестиваль дастуридаги "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!", "Нуронийлар эъзозимизда" лойиҳалари фикримизнинг ёрқин исботидир.

— Бу йил ёшлар фестивали сабаб Қорақалпоғистон Республикасига бордим, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Фатхулла Маъсудов. — Минтақадаги ўзгаришларни кўриб, таниёлмай қолдим. Шунақанги обод бўлибдики, кўзларингга ишонмайсан, киши. Аслида бутун республикамизда ўзгаришлар, бунёдкорликлар бисёр. Олис қишлоқларимиз шаҳарлар билан бўйлашаяпти. Фестивалда кўп лойиҳаларда қатнашдим. Хусусан, "Нуронийлар эъзозимизда" лойиҳаси доирасида 80, 90, борингки, 100 билан юзлашган отахону онахонлар билан дийдорлашиш насиб этди. Боболаримиз, момоларимиз оғзидан бол томиб Юртбошимизни, халқимизни дуо қилмоқда. Дарҳақиқат, шу пайтгача ўзбек халқи бугунгидай эрк, ҳаловатни кўрган эмас.

Жорий йилда фестивалнинг яна бир муҳим янгилиги шу бўлдики, "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" ёшлар фестивалининг қўшиғи яратилди.

— Ёшларга кимларнинг авлоди эканлигини эслатиб турувчи мазкур қўшиқ Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Гулсанам Мамазоитова томонидан ижро этилди, — дейди шеър муаллифи, Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Иқбол Мирзо.

Ёшларда башарият тинчлигию эл-улуслар саломатлигига соя солаётган жирканч иллатлар, маънавий таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни "оммавий маданият"нинг салбий таъсирларидан асраш мақсадида ишлаб чиқилган "Оммавий маданият" ва ёшлар маънавияти", "Одам савдоси — давр муаммоси", "Диний экстремизм ва терроризм — ёшлар келажагига таҳдид", "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" лойиҳалари жойларда қизғин кутиб олинди. Эътиборлиси, қарийб 15 мингта таълим муассасасида ушбу мавзуларга бағишлаб ўтказилган давра суҳбатларида тарғиботчилардан ҳам кўпроқ ёшлар (жами 3 миллион 400 минг нафарга яқини) фаоллик кўрсатди.

Шунингдек, ижтимоий тармоқларда ташкил этилган "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" гуруҳида қолдирилган 550 мингдан ортиқ хабарларни (мобиль мухбирлар томонидан жойлаштирилган хабар, фото ва видеолар) 3,5 млн.га яқин, шу жумладан, #YoshlarFestivali2016 хэштеги билан қолдирилган 900 мингдан ортиқ хабарларни эса қарийб уч млн. киши кузатиб борган.

Умуман айтганда, Қорақалпоғистон Республикасидан вилоятлар ҳамда пойтахтга қадар улкан масофани босиб ўтган "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остидаги ёшлар фестивали карвони сафари самарали бўлди. Неча-неча манзилларда тўхтаб ўтган бу карвон йўловчилари — республика тарғибот гуруҳи аъзолари жойларда салкам 1 минг 500 та тарғибот тадбирини ташкил этиб, 5 миллион 500 минг нафардан зиёд ёш қалбида Ватанга садоқат туйғусининг мавжланишига туртки берди. Манглайига бахт ва саодат битилган, иродаси букилмас бу ёшларни энди сира енгиб бўлмайди!

**Баҳодир ҒАНИЕВ,**
**Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси.**



Суратлар «Халқ сўзи» фотожамласидан олинди.

## ЭЪТИРОФ

**Нобуе МАЦУКАВА, сайёҳ (Япония):**

— Ўзбекистонга саёҳатим "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" номли фестиваль ўтказилаётган вақтга тўғри келганидан хурсандман. Ёшлар гала-концертида қатнашдим, мириқиб рақсга тушдим. Суҳбатлардан билдимки, Ўзбекистон ёшлари ниҳоятда зукко ва билимдон. Уларнинг тил ўрганишга иштиёқи баланд, бундай қизиқишнинг рўёбга чиқиши учун умумтаълим мактабларининг биринчи синфиданоқ чет тилларни ўргатишга киришилгани диққатга сазовордир. Йигит-қизларнинг учта-тўртта хорижий тилда эмин-эркин суҳбатлашиши, кўзлари ёниб турганини кўриб, чин дилдан ҳавасим келди.

**Пьер ШАДЕ, сайёҳ (Франция):**

— Юртингиз ёшларининг халқаро фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, санъат фестивалларида юксак маҳорат кўрсатиб, мунтазам совриндорлар қаторидан жой олиши ҳақида кўп эшитганман. Ўзбекистонга сафарим давомида шаҳару қишлоқлардаги замонавий мактаб, лицей ва коллежлар, олий таълим даргоҳлари, спорт мажмуалари, бетакрор санъат кошоналарини кўриб, ана шу эришилаётган муваффақиятлар қандай омиллар билан боғлиқ экани ҳақида тасаввурга эга бўлдим. Қолаверса, республикангиз миқёсида турли фестиваллар, кўрик-танловлар, мусобақалар ўтказиш йўлга қўйилгани ҳам ибратлидир. Уларда янгидан-янги истеъдодлар кашф этилиб, қўллаб-қувватланаркан. Бундай пухта ва ноёб тизимга эга, илғор таълим-тарбия жараёнини йўлга қўйган давлатнинг келажаги янада ёруғ бўлиши, шубҳасиз.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали***

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани СИБ томонидан ЖИБ Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг 2014 йил 22 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, Хўжайли тумани, Хўжайли — Нукус автотрассасида жойлашган, умумий майдони 52,5 кв. м. бўлган операторлик биноси, умумий майдони 465 кв. м. бўлган бостирма, умумий майдони 52,72 кв. м. бўлган операторлик биноси, умумий майдони 43,45 кв. м. бўлган операторлик бостирмаси, умумий майдони 43,45 кв. м. бўлган насос бостирмаси, майдони 440 кв. м. бўлган қўрғон, умумий майдони 124,05 кв. м. бўлган операторлик биноси бостирмаси билан, ҳажми 15 м. куб бўлган 2 дона резервуар, 3 дона сиғим қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 680 153 557 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 22 август куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 18 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиалининг АТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Тел.: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz**

1065А/180

Хизматлар лицензияланган.





Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 767. 75 805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 23.05 1 2 3 4 5 6